

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**“Бухоро вилоят Пешку туман  
Тиббиёт бирлашмаси бош врачи:**

**А.Я.Хожиев**

**2022 йил**

«



Бухоро вилоят Пешку ТТБ нинг беморларини иссик овкат билан таъминлаш

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

<b>Буюртмачи</b>	“Пешку туман Тиббиёт бирлашмаси”
<b>Бажарувчи</b>	Электрон танлов орқали аникланади
<b>Объектнинг жойлашган ўрни</b>	Бухоро вилоят Пешку туман Янгибозор кўчаси 1 уй
<b>Таъмирлаш тури</b>	Пешку ТТБ нинг беморларини иссик овкат билан таъминлаш
<b>Тижорат таклифларини тақдим этиш шартлари</b>	Электрон танлов <a href="https://etender.uzex.uz/">https://etender.uzex.uz/</a> орқали
<b>Таъмирлаш ишларининг бошланиши ва тугаллаш</b>	2022 йил
<b>Техника хавфсизлиги бўйича талаблар</b>	Ишларни бажариш жараёнида техника хавфсизлик коидаларига риоя қилиши шарт
<b>Танловда иштирок этиш учун банк кафолатининг миқдори ва шакли</b>	Талаб этилмайди
<b>Иштирокчилар қуидаги мезонларга мувоғик бўлиши керак:</b>	Шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий ҳамда ишчи ходимлар мавжудлиги;  Соликлар ва йигимларни тूлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмаслиги, ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги, инсофсиз иштирокчиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги
<b>Лойиҳа ташкилоти</b>	Объект бўйича нуқсонлар далолатномасини тузади ва схематик чизмасини чизиб, тегишли ташкилот ва маъсулларга тасдиқлатади.  Тасдиқланган нуқсонлар далолатномасига асосан лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқади.
<b>Смета хужжатларини тайёрлашда фойдаланиладиган баъзи маълумотлар</b>	Курувчининг бошқа харажатлари – 20 %  Асосий иш ҳақи ижтимоий сугурта бадаллари- 12%
<b>Лойиҳалашнинг алоҳида шартлари</b>	Курилиш материаллари ва материал техник таъминоти ресурсларини нархларини IV –квартал 2021 йил
<b>Смета хужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш</b>	Давлат экспертизасига тақдим қилишдан олдин буюртмачи назоратидан ўтказилсин. Курилиш давомида ЛСХ да кўрсатилган камчиликлар ва хатоликлар лойиҳачи ташкилот зиммасига юклатилади.
<b>Смета хужжатини ишлаб чиқишини тутгатиш муддати ва талаблари</b>	Шартномада кўрсатилади.
<b>Стандартларга риоя қилиш талаблари</b>	Давлат стандартлари.
<b>Топшириш – қабул қилиш тартиби</b>	Смета хужжатлари ушбу техник топширик талабларига биноан қабул қилинади.  Смета хужжатлари буюртмачига З нусхада босма (папкада) ва электрон топширилади



«\_»

2022 г.

## **Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун**

### **ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Пешку -2022**

#### **Танлов хужжатларининг мазмуни:**

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

# **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

## **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. Танлов предмети: Пешку ГТБ нинг беморларини иссик овкат билан таъминлаш хизмати
- 1.2. Танлов охирги киймати \_\_\_\_\_ сум. Ушбу кийматдан ортиқ кийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник кисмда илова килинган.  
Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 214 календар кун.
- 1.5 Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

## **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

- 2.1. Пешку туман Тиббиёт бирлашмаси, (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади) - танлав ташкилотчиси хисобланади.  
“Буюртмачи” манзили: Пешку туман Янгибозор кучаси №1 уй  
Эл.адрес:
- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади
- 2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишига ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:  
танлов предмети қийматининг камида 15 фоизи микдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;  
шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хукукий лаёқат ва ваколатлар;  
танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;  
ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;  
танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);  
Низом маблағи микдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:  
қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларида қуидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4. Қуидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуидаги таклифлар:

- Техник тақлиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган ҳолда;
- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова килинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

- факат битта тақлиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- тақлифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукукига эга.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул килиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

#### **6. БОШҚА ШАРТЛАР**

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул килишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичida давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушуниришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартираслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга хақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.